O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 10 ноябрь, № 232 (3507) Чоршанба

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайити азалдан юртимизда шоду хуррамлик, меҳр-мурувват кунлари бўлиб келаётганлигини, ушбу айёмда кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш хайрли анъана эканлигини, бу сананинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2004 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 14 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 8 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи юксак ташкилий даражада нишонланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ш.М.Мирзиёев) Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Ибн Сино" ҳамда "Олтин мерос" жамғармалари, Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2005 йил октябрь ойида "Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни таъминласин.
4. Хоразм вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан биргаликда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш доирасида Урганч ва Хива шаҳарларида ўтказилиши белгиланган тадбирларни амалга оширсин.
5. "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган тарихий ҳиссасининг кенг реклама ва тарғиб қилинишини таъминласин.
6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишини кенг ёритсинлар.
7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 ноябрь.



## Темирйўлчилар сулоласи

*Дунёда шундай касблар борки, инсоннинг меҳнати сабаб у шарафли деган номга сазовор бўлади. Сизу бизнинг эҳтиёжимизга ярайдиган бу хизматларнинг ортида эса ўз соҳасини чин дилдан севувчи инсонларнинг борлиги кишини қувонтиради.*

*Болалиги темир йўлда ўтган Равшан Ҳайдаров бир кун келиб темирйўлчи бўламан, ана шу касб туфайли эл-юрт эътиборига тушаман, деб ўйламагандир эҳтимол? Кечагидай ёдида. Уларнинг оиласи Сурхондарёнинг "Бақтрия" темир йўли бекатига кўчиб келганларида Равшан ўн икки ёшли болакай эди. Бугун фахрий темирйўлчи. Укаси Кенжа Намозов — болалиги кечган станциянинг бошлиғи. Хуррам — темир йўл устаси.*

*— Болалигимиз темир йўл шпаллари остида қолиб кетди, —дея хотирлайди Равшан ака.— Бироқ ота касбини танлаганимдан афсусланмайман. Бугун укаларим ва фарзандларим уни давом эттиришаётгани билан фахрланаман.*

*Равшан ака касби ҳақида ким билан суҳбатлашмасин, энди ишлайдиган замон келди, дейди ғурур билан. Ва сизга темир йўл соҳасидаги ислоҳотлар, янгиликлар, янги қурилаётган "Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлидаги бунёдкорлик ишлари, йўловчилар учун барча шароитларга эга бекатлар ҳақида тўлқинланиб гапиради.*

**СУРАТДА: "Бақтрия" темир йўл бекати бошлиғи, фахрий темирйўлчи Кенжа Намозова ва навбатчи Сафархол Шомирова.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

*Мамлакатимиздаги кўплаб вилоятлар қаторида Сурхондарё вилояти пахтакорлари ҳам 345 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини адо этдилар.*

*Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурхон воҳаси пахтакорларини, вилоятнинг барча меҳнаткашларини эришилган катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклади.*

*Бундай юксак маррага эришишда, аввало, мард ва ориятли, ғурури баланд Сурхондарё аҳлининг ишни тўғри ташкил этиб, ўз ерига меҳр қўйиб қилган фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасидаги ибратли деҳқончилик тажрибалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.*

*Айниқса, вилоятда йиғим-терим ишлари юксак уюшқоқлик билан олиб борилгани туфайли кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари ҳосилнинг асосий қисмини юқори сифат билан топширишга ва шу орқали заҳматкаш деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга эришди.*

*Президентимиз Сурхондарё вилояти меҳнаткашларини улкан ғалаба билан яна бир бор қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, воҳа деҳқончилик мактаби шуҳратини янада ошириш йўлидаги интилишларига муваффақиятлар тилади.*

**(ЎзА).**

## Сурхондарёнинг катта хирмони

**Жорий йилда 120 минг гектар ерга чигит эккан сурхондарёлик пахтакорлар маррага етиб келди. Улар давлат қабул пунктларига 345 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топшириб, йиллик шартнома режасини бажардилар.**





Вилоят туманлари ичида бу йил ҳам Сариосиё тумани деҳқонлари пешқадамлик қилишди. Салкам йигирма иш кунида зафар қучган сариосиёликлар ҳозирга қадар режага қўшимча 5 минг тоннага яқин хирмон уйишди.

Бугунги кунда Қумқўрғон, Денов, Олтинсой, Жарқўрғон, Шўрчи туманлари азаматлари ҳам ғалаба нашидасини сурмоқдалар. Қумқўрғонда, масалан, бу йил ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларида бултурги кўрсаткичга нисбатан икки баравар кўп ҳосил йиғиштириб олинди. Вилоят бўйича эса беш мингдан зиёд фермер хўжалигининг аксариятида шартнома мажбурияти уддаланди. Хусусан, Қизириқ туманидаги «Қорақасмоқ» фермер хўжалиги миришкорлари давлатга қарийб 1000 тонна пахта сотдилар.

Сурхондарёлик пахтакорлар тупроқ унумдор, деҳқон манфаатдор, уруғ сара, техника воситалари соз бўлса юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини ўз тажрибаларида кўрдилар. Шу боис улар ана шу омиллардан келиб чиқиб, келаси йил ҳосилига пухта замин яратишга киришдилар.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# 26 декабрь

## Халқ. Демократия. Сайловлар

### ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЁШЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ёшларни демократия тамойиллари, сайлов ва сайловолди жараёнлари билан таништиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Халқаро республика институтининг (АҚШ) Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ёшлар қаноти етакчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштироки, парламентаризм ва сайлов тизимлари, сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва вазифалари, сайлов тўғрисидаги қонунчилик, сайловчи ҳуқуқлари каби мавзулар тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Л.СУВОНОВ).***

Вилоятда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳудудида ташкил этилган округ сайлов комиссиялари учун қулай бинолардан хоналар ажратилди. Улар мебель билан жиҳозланиб, транспорт, компьютер техникаси, алоқа воситалари билан таъминланди.

— Сайловда бир миллион 442 мингдан зиёд сайловчи иштирок этади, — деди вилоят сайлов комиссияси раиси Суяр Қурбонқулов. — Вилоят сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширилиши борасидаги мурожаатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, яқиндан кўмак бермоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва котиблари билан мунтазам семинарлар ўтказилаётир. Сайлов комиссиялари аъзоларининг навбатчилигини ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини тузиш, овоз бериш кабиналарини тайёрлаш, сайлов қутиларини тарқатиш борасидаги ишлар ниҳоясига етказиляпти.

*Менинг овозим — менинг тақдирим*

***Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг иштироки уларнинг сайловларга бўлган муносабатида намоён бўлади. Бу дунё тажрибасида тан олинган ҳақиқат. Шу боис мамлакатимизда бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари жадал кетяпти. Аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган турли сайловолди тадбирлари ташкиллаштириляпти. Бу яхши, албатта. Аммо юртдошларимиз буларни қандай қабул қилишмоқда? Уларнинг ҳам сайлов ҳақида ўз тушунчалари, фикр, истак ва таклифлари борми? Шу мақсадда биз бир гуруҳ юртдошларимиз билан гурунглашдик.***

### ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ КЎРИГИ

**Феруза ЙЎЛДОШЕВА, шифокор:**

— Ҳар куни телевидение, радио орқали сайлов ва сиёсий фаоллик тўғрисидаги эшиттиришларни кўряпмиз, эшитяпмиз. Сайловнинг эртанги кунимиз учун муҳим аҳамиятга эгалигини ушбу жараёнга тайёргарлик ишларидан ҳам билсак бўлади. Мамлакатимиз дунё давлатлари нигоҳида турган шундай бир пайтда бизнинг сайловда қатнашиш ёки қатнашмаслигимизни муҳокама қилиш ўринли эмас, менимча. Буни ҳар бир инсон ўз фуқаролик бурчи, деб тушунишини истардим. Қолаверса, сайловлардан хабардор бўлиш билан бирга ким ва нима учун овоз бераётганимизни ҳам англаш зарур. Шу ўринда бир таклифим бор. Телевидениеда сайловга бағишланган очиқ мулоқот шаклидаги кўрсатувларни кўпайтириш керак. Одамлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан бевосита мутахассисларга мурожаат қилса, уларнинг ўзидан жавоб эшитса, сайловнинг адолатли тарзда ташкил этилаётганига ишонч кўпроқ бўлармиди...

**Фозил ИСМОИЛОВ, ҳунарманд:**

— Нима дейишга ҳайронман. Сайловлардан хабарим бор-у, бироқ моҳиятини тўла англаб улгурганимча йўқ. Бунинг учун бошқаларни айбдор санамайман. Иш кўп, газета-журнал варақлашга вақт кам. Варақлаганим билан ҳаммасини тушунавермайман. Чунки уларда шундай ахборотлар бериладики, бошини ўқисангиз, охири эсдан чиқиб кетади. Ана шуларни инобатга олиб, бизнинг осон тушунишимиз учун мақолаларнинг ёзилиш услублари соддалаштирилса, айни муддао бўларди.

**Беҳзод БОЗОРОВ, талаба:**

— Албатта, хабарим бор. Мамлакат тақдирига бефарқ бўлган инсонгина бу жараёндан четда бўлиши мумкин. Тўғри, баъзи ёшларда сайлов тўғрисида бирон бир гап, мустақил фикр бўлмаслиги мумкин, бироқ улар орқали бутун мамлакат ёшларига баҳо бериб бўлмас. Бизнинг сиёсий фаоллигимиз, аввало, ўзимизга боғлиқ. Мен эртага ўзим учун, келажагим учун овоз бераман. Муҳими шу эмасми?

*Кўряпмизки, фикрлар, мулоҳазалар турлича. Демократия тамойиллари асосида ўтказиладиган бўлажак сайлов эса ана шу кўпфикрлилик, очиқлик, тенглик асосида амалга ошириладики, бунда адолат устуворлиги, сўзсиз, таъминланади. Ҳолбуки, бўлажак сайловда фуқароларнинг иштирокини фаоллаштирмасдан янгича тафаккурни шакллантириш, фуқаролик жамиятини қуриш қийин кечади. Сайлов эса ҳар биримизни элу юртга, жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг ёрқин келажагига бўлган ишонч ва умидларимизни ҳам имтиҳон қилади, синайди, баҳо беради. Шунинг учун катта синовга бугундан, ҳозироқ тайёр бўлиб турмоғимиз лозим.*

**Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.**

«Халқ сўзи» назоратида



### Газ босими ошади

Газетамизнинг шу йил 6 август сонида "Саратонда шундай бўлса..." сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда Ғузор туманидаги Жарариқ қишлоғида ҳатто ёз ойларида ҳам газ таъминоти тақчил бўлиши баён этилган эди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги котибияти мудири К.СИРОЖЕВ имзоси билан мазкур мақола юзасидан келган расмий жавобда таъкидланишича, *ҳақиқатан ҳам, Ғузор тумани М.Раҳмонов номли жамоа хўжалиги Жарариқ қишлоғида газ босими паст бўлганлиги аниқланган. Жарариқ қишлоғига элтувчи ўрта босимли 1,8км. узунликдаги диаметри 114мм.ли ер ости газ қувури яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлиб, ушбу қувурнинг ўрнига 159мм.ли газ қувури тортилмоқда.*

*Жорий йилда газ қувури тармоғи, фойдаланишга топширилади. Уни назорат қилиб бориш туман ҳокимлиги зиммасига юклатилган.*

**Сайловлар — халқимизнинг сиёсий онги, маданияти ва маънавий фазилатларининг ўзига хос намойиши**



Аввал хабар қилганимиздек, шу йил 2 декабрда Олий Мажлиснинг XVI сессияси ўз ишини бошлайди. Парламентимиз тизими айни кунларда ушбу муҳим воқеага қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, бу — депутатлар ихтиёрига ҳавола этиладиган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, мазкур чақириқ давомидаги ўз ишлари сарҳисобини кўриб чиқиш, қонун ижодкорлиги амалиёти ҳақида муайян хулосалар чиқариш каби масалалардан иборатдир.

## *Олий Мажлиснинг XVI сессияси олдидан*

**Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг беш йил мобайнидаги фаолияти мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши, миллий давлатчилик институтларини ислоҳ қилиш, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, демократик тизимнинг қарор топиши ва ривожланиши, ижтимоий сектор ҳамда оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларига фаол жалб этиш, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш шароитида амалга оширилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли биз Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра РАШИДОВАдан ана шу жараёнларнинг муайян таҳлиллари қандай кечганлиги ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**

# ШИКОЯТДАН ТАКЛИФЛАР САРИ

## *Ўтган беш йил Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили учун катта синов ва халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик даври бўлди*

— Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси бевосита иштирок этаётган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро битимларни, қолаверса, мамлакатимиздаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишини мунтазам назорат қилиб бораяпмиз, — деди Сайёра Шарофовна. — Вазирлик ва идораларда халқаро конвенциялар низоми ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари бажарилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда ҳамда йўл қўйилган нуқсонлар бўйича зарурий тадбирлар қўлланилмоқда. Шунингдек, Омбудсманга тушаётган мурожаатлар мунтазам таҳлил этиб борилаётир. Шу йиллар давомида тушган аризаларнинг таҳлили аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси, давлат органлари ва тузилмалари, жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлиги ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Улар қаторида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлади.

2000-2004 йиллар мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига 25 мингга яқин мурожаат тушди (1995-1999 йилларда бу кўрсаткич 9889 та эди). Ҳисобот даври мобайнида 4475 нафар фуқарога юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Фуқаролардан Вакил номига уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида тушган 1,5 мингдан кўпроқ мурожаат (1995-1999 йилларда 592 та) ижобий ҳал этилди, қолганлари ижро этилиш босқичида турибди. Шикоятлар таҳлили Тошкент шаҳридан, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларидан тушаётган мурожаатлар сонининг кўпайиб бориши устун эканлигини кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг суд органлари фаолиятига тааллуқли мурожаатлари ҳам бор. Мурожаатларнинг асосий қисми туман ва вилоят судларининг фаолияти билан боғлиқдир. Фуқаролар ўз мурожаатларида суд ҳукмидан ёки фуқаролик ишлари бўйича суд чиқарган ҳал қилув қароридан, даъво аризасини қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлигидан, судларда ишларнинг узоқ вақт мобайнида кўрилаётганлигидан, суд орқали ҳимоя ҳуқуқи бузилаётганлигидан, судлар қабул қилган қарорлар ижро этилмаётганлигидан норозиликларини билдирадилар.

Шунингдек, шикоят ва аризалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар айрим ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари, меҳнат ҳуқуқлари бузилиши, уй-жой, коммунал муаммолари, тадбиркорлик ҳуқуқлари каби масалаларга дахлдордир.

Жамоатчиликнинг давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишдаги иштироки йил сайин кенгайиб бораётганлиги, шунингдек, тушаётган мурожаатларни жойларнинг ўзида ҳал эта бориш Омбудсманнинг минтақавий вакиллари институтини таъсис этишга олиб келди. Ҳисобот даври мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида нафақат шундай вакиллар ишга тушди, балки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни моддий жиҳатдан ва ресурслар билан қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли қарорлар ҳам қабул қилдилар. Ҳозирги пайтда бу қарорларни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда, минтақавий вакиллар ҳузурида экспертлар гуруҳлари шакллантирилди. Деярли барча минтақавий вакиллар ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази билан биргаликда ўтказилган тренингларда таълим олдилар, бу ўқувларга қатор хорижий Омбудсман институтларидан, халқаро ташкилотлардан мутахассислар тренер сифатида таклиф этилди. Омбудсманнинг локал компьютер тармоғини яратиш ишлари ҳам изчил амалга оширилди, бу тармоқ марказий идора билан минтақавий вакилликларни ўзаро боғлайди.

Бир қатор минтақавий вакиллар парламентнинг қўмиталари ва комиссиялари билан фаол ҳамкорлик қилдилар. Муайян ҳуқуқлар тоифаларини амалга оширишга доир режали мониторинглар ўтказилган ҳудудларда минтақавий вакиллар бу тадбирларни амалга оширишда бевосита иштирок этдилар. Айни вақтда минтақавий вакиллар барча ҳудудларда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши муаммолари бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказдилар, бундай ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга ошириш назорат қилиб борилди.

2000-2004 йиллар мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қонун лойиҳаларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилишга тааллуқли қисми юзасидан таклифлар киритди, парламентнинг қўмиталари ва комиссиялари, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, вазирликлар ва идоралар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг ижро этилиши билан боғлиқ аҳволни ўрганиш юзасидан Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (2000 йилда) тадбирлар ўтказдик. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга ҳамда «Таълим тўғрисида»ги ва «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилиши бўйича ҳам мониторинг олиб бордик.

Шунингдек, одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги айрим аризалар фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан мониторинг ўтказиш учун асос бўлди. Одил судловни амалга ошираётганда судьялар, шунингдек, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган фуқаролар дуч келаётган муаммолар ва қийинчиликлар аниқланди. Шу билан бир қаторда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мамлакатимизнинг барча минтақаларида ижро этилиши мониторинги ҳам мунтазам ўтказиб борилди.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлиги йил сайин кенгайиб борди. Ўтган давр мобайнида 130 дан зиёд расмий делегацияларни, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларини қабул қилдик. Жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакати, шу жумладан, Европа, Осиё, Америка мамлакатлари омбудсманлари билан амалий алоқалар ўрнатилди. Россия Федерацияси, Польша Республикаси, Швеция Қироллиги, Озарбойжон Республикаси ва Латвия Республикаси омбудсманлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди.

Ҳисобот даврида Омбудсман «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг Страсбург, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган йиллик йиғилишлари ишида қатнашди, мазкур йиғилишларнинг кун тартибига демократик институтларнинг шаклланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масалалари киритилган эди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўтган даврда «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга оширишда иштирок этди. Ушбу лойиҳа доирасида Омбудсман ва унинг икки ходими парламент гуруҳи таркибида Италия ва Швецияда тажриба алмашиш ҳамда бу икки мамлакат парламентлари фаолияти, шунингдек, Италия минтақавий омбудсмани ва Швеция парламенти омбудсмани фаолияти билан танишиш мақсадида ўқув сафарида бўлди.

Хуллас, ўтган йиллар биз учун ҳам фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катта синов ҳамда халқаро ҳамжамият билан инсон ҳуқуқлари юзасидан яқин ҳамкорлик даври бўлди, десак янглишмаймиз. Энг муҳими, бугунги кунга келиб, мурожаат ва шикоятларнинг моҳияти, руҳи ҳам ўзгарди. Жумладан, Вакил девонига тушаётган шикоятларнинг аниқ йўналтирилганлиги ва асослантирилганлиги борган сари шаклланмоқда. Уларда дарҳол ва кескин чоралар кўриш талаб этилмайди. Шундай мурожаатлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, уларда фуқаролар ўз шахсий муаммоларини ёзишдан ташқари, ўзларини қизиқтираётган, давлат ва жамият миқёсидаги у ёки бу масалаларни ҳал этишни қандай тасаввур этишлари ҳақида мулоҳаза билдириб, амалдаги қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш йўлларини таклиф этаётирлар. Инсонлар қуруқ шикоятдан юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги ҳақидаги таклифлар сари борар экан, демак, уларда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан анча фаолликни ҳис этиш мумкин.

**«Халқ сўзи» мухбири Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.**

**26 декабрь**

**Халқ. Демократия. Сайловлар**

## Аёлларнинг ўрни

Яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Икки палатали парламент сайловларида аёлларнинг ўрни» мавзусида анжуман уюштирилган эди. Анжуман қатнашчилари Чилонзор туманидаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигида турли тадбирлар ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашганди.

Шундан сўнг университет хотин-қизлар қўмитаси, профессор-ўқитувчилари, магистр ва талабаларидан иборат гуруҳ тузилди. Гуруҳ дастлабки тадбирни талабалар уйида уюштирди. Унда фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган сайлов ҳуқуқи жамиятни бошқариш воситаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, икки палатали парламентни шакллантириш учун бўлаётган сайловларда фаол қатнашиш мамлакат тараққиёти учун жуда муҳим. Шунингдек, талабалар «Янгиланган парламентни шакллантириш зарурияти тўғрисида», «Сайловларда хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзуларида маърузалар тингладилар. Ҳар бир маърузадан сўнг мунозарага ўрин берилгани айни муддао бўлди.

Сайлов куни яқинлашгани сайин сиёсий фаоллик ортиб бормоқда. Жумладан, ушбу гуруҳ яна бир тадбирни университет қошидаги академик лицейда ўтказди. Университет ректори С. Ғуломов ўз сўзида мамлакатимиз парламент тараққиётининг янги босқичида хотин-қизларнинг ўрни ҳақида гапирди. Жамиятда хотин-қизлар ташкилотлари олдига устувор вазифалар юкланишини ҳам алоҳида таъкидлаб, аёллар нафақат оила муҳитининг, балки ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳам фаол иштирокчиси эканини уқтирди. Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари В. Каримова талаба қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мамлакат келажаги учун ҳам муҳимлигига урғу берди. Тошкент давлат юридик институти хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Иноғомжонова ҳар бир сайловчи Олий Мажлисни профессионал парламент сифатида шакллантиришда менинг ҳам овозим бўлади, дея фаоллик кўрсатишга даъват этди.

**Г. ОХУНОВА,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# ХАТЛАР *сўзлайди*

### *Мамнуният*

## Беғараз ёрдам

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар биз сингари мададга муҳтож инсонларга беминнат ёрдам бераётир. Яқинда жамиятимиз аъзолари учун "Ўзметкомбинат" АИБ, "Бекободцементтаъмир", "Саноаттехмонтаж" корхоналари, "Бекободсавдо", "Бекободтаом" ташкилотлари кўрсатган мурувват ногиронлар қалбини қувончга тўлдирди. Кўнгли яримларнинг хурсандчилигидан ўзлари ҳам завқланадиган бағри кенг инсонлардан миннатдормиз.

**Нурулло ҲАКИМОВ,**
**Бекобод шаҳар "Кўзи ожизлар" жамияти раиси муовини.**

### *Муаммо*

## Ечими қаерда?

Икки йилдирки, Муқимий номли маҳалламиз ҳудудидан ўтган қувурлардан чиқаётган оқава сувлар натижасида ҳовлиларимиз ифлосланмоқда. Дарахтлар қуриб кетиши, мева-сабзавотларга путур етиши кўнглимизни ғаш қиляпти. Зах сувнинг кўтарилиши янги қурилган уй-жойларимиз нурашига, ичимлик сувининг бузилиши ва аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир. Бу муаммонинг ечимини мутасаддилардан сўрасак-да, натижа кутилганидек бўлмаяпти.

**О.ҲОЛИҚОВ ва бошқалар.**
**Нарпай тумани.**

### *Таассуф*

## Қоғоздаги ваъдалар

Ватан остонадан, ўз маҳалланг, қишлоғингдан бошланади. Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун, аввало, ён-атрофимизни яшнатишимиз лозим. Биз ҳам Поп туманидаги Хўжаобод қишлоғимизнинг кўчалари асфальтланган, йўллари равон бўлишини, хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланишини, қаҳратон совуқда уйларни табиий газ иситишини жуда истаймиз. Афсуски, қишлоғимиз аҳли узоқдан челаклаб сув ташишга, липиллаб ёниб турувчи чироқ нурига қаноат қилишга ўрганиб қолган.

Биз бир неча бор мутасадди раҳбарлардан ўз маблағимиз эвазига муаммоларимизни ҳал қилишни илтимос қилдик. Бироқ бизга берилаётган ваъдалар қоғозда қолиб кетаяпти.

**Валияхон САИДОВА.**
**Наманган вилояти.**

### *Эҳтиром*

## Дардимиз ариди

Қашқадарё вилоятидаги 2-шифохонада асосан қариялар, меҳнат ва уруш қатнашчилари даволанишади. Барча шароитлар яратилган ушбу масканда муолажалар бепул амалга оширилади. Яқинда биз шу масканда маълум муддат даволандик. Шифохона атрофидаги сўлим боғ баҳридилимизни очди. Ҳаммасидан ҳам бу ердаги шифокор, ҳамшираларнинг муомаласи, меҳрибонлигидан танамиздаги дард ҳам унутилди. Уларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Ҳасан ҚОРЖОВОВ ва бошқалар.**
**Қашқадарё вилояти.**

### *Арздан кейинги арз*

## Текширишни сўраган эдик...

Биз, "Қуйлиқ" мавзеси, 6-даҳа, 1,9,10-уйларда яшаймиз. Шу йилнинг июнь ойида таҳририятга мурожаат қилиб, "Жомий-Коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкатига тушган тушумлардан қандай мақсадларда фойдаланилаётганини текшириб, мазкур уйларда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилишида амалий ёрдам берилишини сўраган эдик. Кўп ўтмай, газетада бизнинг хатимиз асосида "Ширкат раҳбарлари бепарво" сарлавҳали чиқиш бўлди.

Энг қизиғи шундаки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда биз яшайдиган уйларда иссиқ ва совуқ сув мавжудлиги, аҳоли томонидан бу ҳақда ҳеч қандай шикоят йўқлиги таъкидланган. Ахир биз шикоят хатимизда асосан "Жомий-Коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини текшириш, коммунал хизмат учун аҳолидан тўпланган маблағларнинг қаерга, қандай сарфланганлигини билиш, уни текширишни сўраган эдик-ку?.. Ҳали ҳам умидимиз таҳририятдан.

**Б.САМАТОВ.**
**Тошкент шаҳри.**

# Ерни суюб суянганлар

*Публицистика*

«Озодлик» кичик ширкат хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Ғайбуллаев ёдда қоладиган бир гапни айтди:

— Шу десангиз, ўтган йили Конституция байрами арафасида Гулистонга йиғилишга борувдик. Вилоят ҳокими хўжалигимиз илғорларига ҳам орден ва медаллар, қимматбаҳо совғалар топширяпти. Мен уялиб ерга қарайман. Хурсанд бўлиш ўрнига баданимни нуқул тер босади. Қайтишда «Боёвут» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ғофуржон акага йиғилишда кузатганларимни гапириб бердим. У аввал кулди. Кейин ўйланди. Ўйланиб-ўйланиб, қўлимга омбор мудирига бериш учун қоғозчага бир нималарни ёзиб берди. Эртаси куни омбордан юз ва қўлга суртиладиган мой-упалар, фаранги атирлари, ҳар хил қадоғу тиришни йўқотадиган вазелинлар олиб кетдим. Бир ой ўтса ҳам, одамларимизда ўзгариш йўқ. Иккита-учтасини гапга солдим. «Атир суркаб далага яхоб тараб бўладими?» — дейди. Ана, холос! У десам у дейди, бу десам бу. Бу гапни бошқа жойга бориб айтсам, «Ичингдан тўқиб чиқаргансан» деб ишонишмайди. Мой-упаларни оқшомлари юз-қўлларига суришгани билан биронтаси ҳам нархи фалон сўм турадиган атирларни ишлатмади. Янаям ким билсин...

«Боёвут» ширкат хўжалигида бунақанги кичик ширкат — пудратчилардан роса тўққизтаси бор, Ана шуларнинг олтитаси бугунги кунда маррадан ўзиб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Хўжалик бош ҳисобчиси Мирзаахмад Қобулов ва бош иқтисодчи Турдиқул Абдуқодировларнинг даромадни ҳисоблаб, чўт уришдан қўллари бўшамаяпти. Негаки, давлатга 8 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилиб, кўрилган даромад 3 миллиард сўмнинг қорасини олди. Соф фойда беш юз миллион сўмдан кам бўлмайди. Биринчи бўлиб маррадан ўзган пудратчилар уч юз эллик минг, иккинчи бўлиб маррага етгани 300 минг сўм ва довондан учинчи бўлиб ошган жамоа эса икки юз минг сўм мукофот пули олди. Қолганлари ҳам мукофотдан бенасиб қолмади. Уларнинг ҳар бири бир юз эллик минг сўмлик мукофот пулига эга чиқдилар.

Мукофот тўғрисида гапириб, андак оғзимиз қизиди. Яна шу мавзуга қайтайлик. Хўжаликда нафақат ширкатлар, балки биринчи бўлиб режани бажарган пудратчиларга ҳам юз минг сўмдан бир юз йигирма беш минг сўмгача мукофот пули берилди. Булар ҳали ҳолва. Айтайлик, бир оилавий пудратчилар режадан ташқари хўжалик хирмонига ўн тонна пахта териб тўкди. Бошқа хўжаликларда бундай азаматнинг шаънига, нари борса, уч-тўрт оғиз илиқ гап айтилади. Бу хўжалик ана шу илғор пудратчининг режадан ортиқча терган ҳар тоннаси учун йигирма минг сўмдан нақд пул тўлайди. Жўра Назаров, Темир Эшонқулов, Умарқул Маматқулов, Баҳодир Султонов, Бердимурод Тўлиев сингари ўнлаб пудратчиларга эса қўй, ҳатто бузоқли сигир ҳам совға қилинди. Бундай шароитда қай бир оилавий пудратчи ёки, айтайлик, фермер фақат режа бажариб, кейин эса тараллабедод қилиб юради? «Моддий манфаатдорлик» деган тушунчаю туйғу деҳқонлар кўнглида далага нисбатан, аниқроғи, меҳнатга нисбатан таърифларга сиғмайдиган меҳр уйғотади.

Вилоятда бу хўжалик аҳлига ҳавас билан қарашади. Тоза ичимлик суви, газ, электр нури каби кундалик ҳаёт учун энг зарур эҳтиёж бобида уларда узилиш бўлмайди. Йилда қувурлар таъмирланади. Йилда янги қувурлар ёткизилади, йўллар созланади. Бу йилги мустақиллик байрами кунлари хўжаликда янги спорт мажмуаси очилди. Бир юз олтмиш миллион сўмга бунёд этилган бу мажмуада эндиликда қишлоқ болалари мазза қилиб спорт билан шуғулланмоқдалар. «Ўзбекистон қирқ йиллиги» ширкатида қурилган гузар ҳатто шаҳарликларнинг ҳам ҳавасини келтиради. Қатор-қатор тиббиёт масканлари, мактаблар, теннис майдончалари ҳам хўжалик маблағи ҳисобига бунёд этилди.

Хўжалик иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига нима сабаб-у, нималар асос бўлаяпти?

Вилоятдаги собиқ хўжаликлар негизида янги тузилган фермер хўжаликлари иш бошлаган дамлар кўпчиликнинг ёдида турибди. Фермерлаштириш сиёсатини ўзларига қалқон қилиб олган кўплаб раҳбарлар ҳайдов, чопиқ ва уруғ қадайдиган, қолаверса, ер текислайдиган ўнлаб техникаларни арзон-гаровга сотиб юбордилар. Тўғри, айбдорлар ҳуқуқ идоралари томонидан аниқланиб, қонуний жазо олдилар. Бироқ эндиликда сотиб юборилган техникаларни қайтариб олишнинг деярли иложи йўқ. Ўнлаб раҳбарлар ишдан кетишди. Ўнлаб раҳбарлар ишга келишди. Бироқ далада техникасиз иш кетадими? Ғўза ўсиб, буғдой бўй тортадими? Қараб турибсизки, баҳоналар урчиб кетади: «Кўклам ёғинли келмаганда эди...», «Бу йилги куз оби-ҳавоси шунақаям инжиқ бўлдики...»

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми илғорлари учун эллик миллион сўм мукофот пули ажратиш ҳақида умумий мажлис қарорига имзо чеккан Ғофуржон Алиев хўжалик манфаати деганда, қўли темир чангакка айланади. Уч юзга яқин техника ана шу чангак туфайли талон-тарож бўлишдан омон қолди. Бир мисол. Тумандаги Носир Маҳмудов номли хўжаликда яқин-яқин йилларгача атиги тўртта чопиқ трактори бор эди. Минг гектарлик далани ана шу тўртта трактор билан эплаб бўлармикин? Мана, илғорлигу қолоқликнинг «ярқ» этиб кўзга ташланувчи қирралари...

Ғўза degani ерда ўсгани билан деҳқоннинг кўзига қараб нафас олади. Деҳқоннинг қўли серқадоқ бўлгани билан ғўзанинг танига бирам ёқадики, сира нарёғи йўқ. Бу хўжаликда ишлаётганларнинг аксарияти ана шу ғўза ўсувчи заминни энам деб суяди, отам деб суянади. Майли, бу гаплар кимгадир эриш туюлса туюлар.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари адоғию саксонинчи йилларининг бошида Сирдарё деган катта бир вилоят пахта етиштириш-у, ана шу пахтани машинада териб олиш бўйича республикада донг таратган эди. Октябрь ойи бошланмасдан мирзачўлликлар бошқа вилоят пахтакорларига этак ушлатмасдан маррага етиб келишарди. Турсунбой Латипов, Қўзибоқар Синдоров, Бекки Саидов, Лола Эрбўтаева, Назира Йўлдошева сингари пахтачилик академикларини бутун Ўзбекистон танирди.

Ерларимиз шўр, деймиз. Шўрланган, деймиз. Зовурларимиз кўзини тупроқ босган, деймиз. Техника етишмайди, деймиз. Ишчи кучи зарур, деймиз.

Буларнинг бари ҳақиқат. Буларнинг бари ҳақ гаплар. Хўш, бу ҳолу ҳолатларга ким айбдор? Айбдорни қидириб топмоқчи бўлсак, бирор минг йил ҳам камлик қилади. Меҳнат Қаҳрамони, раҳматлик Турсунбой Латипов ўзи билан бирга ишлайдиган бригадирга айтган бир аччиқ гап орадан йигирма йил ўтса ҳам хаёлимдан кўтарилмайди: «Бу даланг ориқ эмас, сенинг ғайратинг ориқ. Ўйлаган ўйинг ориқ. Товонингдан ўт чақнамас экан, шойи кўйлак кийиб толнинг соясидан чиқмас экансан, нега деҳқонман, деб кўкрагингга муштлайсан?...»

«Боёвут» хўжалиги пахтакорлари эса бу йил ҳам қиладиганини қилиб, айтадиганини айтиб бўлишди. Бироқ минглаб ажойиб инсонлар шуҳратини дунёга таратган вилоятнинг бугунги ҳолати кишини ўйга толдиради. Тўғри, вилоятда талон-тарожга чек қўйилди. Инсон омилига эътибор кучайтирилди. Аммо бой берилган фурсатларнинг ўрни қачон тўлиб, қачон қопланар экан? Режани ўттиз-қирқ фоиз бажарган хўжалик раҳбарлари эндиликда қандай баҳоналарни ўйлаб топишаркин?

Энг даҳшатлиси, улар кўзларини қаерга яшираркин?..

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, “ФИНАМ” (Россия) инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

### “ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 39% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

“ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР” ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 39 %ини ташкил этувчи 1 312 846 (бир миллион уч юз ўн икки минг саккиз юз қирқ олти) дона оддий акцияси сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 6 315 000 (олти миллион уч юз ўн беш минг) АҚШ доллари. “ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР” ОАЖнинг 39% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

“ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР” ОАЖнинг асосий фаолияти юк ортиб-тушириш ишларини ташкил этиш, транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш, божхона назорати остида ўтказилаётган мол ва юкларни омборларда сақлаб туриш ҳамда улар билан брокерлик операцияларини олиб бориш, юкларни расмийлаштириш, бошқа давлатлар контейнерлари паркининг ишлатилишини назоратга олиш ва уларнинг эгалик қилувчи мамлакатга ўз вақтида қайтарилишини ташкил этиш, компаниянинг ва Ўзбекистон ҳудудидаги ҳамда қўшни МДҲ мамлакатларидаги бошқа тарозилар эгаларининг вагон тарозиларини ўрнатиш, таъмирлаш ва техник кўрикдан ўтказиш, “Далагузар” дезинфекция қилиш махсус ювиш бекатининг ишини ташкил қилиш, асфальт-бетон цехи ишини ташкил қилиш, автомашиналарни таъмирлаш, техник кўрикдан ўтказиш ва ювиш ишларини ташкил этишдан иборат. “Ўзтемирйўлконтейнер” ОАЖ хизматларининг истеъмолчилари — давлат ва нодавлат корхоналари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда қўшма корхоналар, хорижий компаниялар ва фирмалардир.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда қатнашиш бўйича аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 10 декабрда тугайди.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2005 йил 10 январда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

*Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*

*Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.*

*Улуғбек Каримович Вахабов,*
*бош директор.*
*Телефон: +998 (71) 139-22-51.*
*Факс: +998 (71) 139-22-79.*
*Эл. почта: ccpbuz@tps.uz*

*Молиявий маслаҳатчи:*

*"ФИНАМ" инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва ш., 103045, «Даев тор» кўчаси, 20-уй. "Даев-Плаза" Бизнес маркази, 2.16 офис.*

*Максим Евгеньевич Кузин,*
*бош директорнинг биринчи ўринбосари.*
*Телефон: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40*
*Факс: +7 (095) 204 8107*
*Эл. почта: mxk@finam.ru, mxk@freemail.ru*

10069-1R/2515

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company FINAM (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces

### the Open Tender for Privatization Sale of the 39% Share Package of the Joint Stock Company “UZTEMIRYULKONTEYNER”

1 312 846 (one million three hundred twelve thousand eight hundred forty six) shares of common stock of the JSC “UZTEMIRYULKONTEYNER” constituting the aggregate of 39% of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 6 315 000 (six million three hundred fifteen thousand) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 39% of shares of the JSC “UZTEMIRYULKONTEYNER” and to take upon investment obligations.

The main activities of JSC "UZTEMIRYULKONTEYNER" are to perform the handling; to render transportation expedition services; to store goods and freights being inspected by the customs' offices with carrying out their brokerage operations; to make customs declaration of freights; to control over the using of containers' park of other states with their returning tothe owner-states; to provide installation, repairing and technical maintenance of own and others weighting equipment located in the Republic of Uzbekistan and neighboring states of CIS; toorganize the activityof the disinfection station “Dalaguzar”; toorganize the activityof an asphalt-concrete plant; toprovide services on repairing, technical maintenance and washing of cars. The consumers of the JSC “UZTEMIRYULKONTEYNER” services are state and non-state organizations, legal and private entities, as well as joint ventures and foreign companies.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properlycompleted and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of December 10, 2004.

The Bid Submission Deadline is January10, 2005.

For all issues related to the tender, please contact:

*The Work Body of the State Property Committee:*

*CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau*
*State Property Committee Bldg., 17th Floor*
*Uzbekistanskaya str. 55*
*700003 Tashkent, Uzbekistan*

*Attention: Mr. Ulugbek Vahabov, Director General*
*Telephone: +998 (71) 139 22 51*
*Fax: +998 (71) 139 22 79*
*Email: ccpbuz@tps.uz*

*Financial Adviser:*

*Investment company “FINAM”*
*20, Dayev side str., “Dayev-Plaza”*
*Business-Center, 2.16 office,*
*Moscow, Russian Federation, 103045*

*Attention: Mr. Maxim E. Kuzin, First Deputy Director General*
*Telephone: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40*
*Fax: +7 (095) 204 8107*
*Email: mxk@finam.ru, mxk@freemail.ru*

10069-2R/2515

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, “ФИНАМ” (Россия) инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

### “В.П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ (“ЧнТАИЧБ” ДАЖ) 25,6% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

“ЧнТАИЧБ” ДАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25,6%ини ташкил этувчи 1 344 358 (бир миллион уч юз қирқ тўрт минг уч юз эллик саккиз) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акцияси сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 120 795 800 (бир юз йигирма миллион етти юз тўқсон беш минг саккиз юз) АҚШ доллари. “ЧнТАИЧБ” ДАЖнинг 25,6% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

“ЧнТАИЧБ” ДАЖ кенг фюзеляжли самолётлар (ИЛ-76 ва унинг модификациялари), маҳаллий ва ўрта ҳаво йўллари учун йўловчи ташиш самолётлари (ИЛ-114 ва унинг модификациялари), ИЛ-76 ва АН-12 самолётларининг назорат-тиклаш таъмирлашларини олиб боради, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради, шунингдек, бошқа турдаги ишлаб чиқариш ва техник мақсаддаги маҳсулотлар ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаради.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда қатнашиш бўйича аризасини ҳамда маҳфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 10 декабрда тугайди.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2005 йил 10 январда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

*Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*

*Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 700003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.*

*Улуғбек Каримович Вахабов,*
*бош директор.*
*Телефон: +998 (71) 139-22-51.*
*Факс: +998 (71) 139-22-79.*
*Эл. почта: ccpbuz@tps.uz*

*Молиявий маслаҳатчи:*

*“ФИНАМ” инвестицион компанияси, 101000, Россия Федерацияси, Москва, Мясницкая кўчаси, 26.*
*Николай Алексеевич Фоминцев,*
*Стратегия ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи.*
*Телефон: + 7 (095) 204-81-40.*
*Факс: + 7 (095) 204-81-07.*
*Эл. почта: fomitsev@finam.ru, fominick@freemail.ru*

10070-1R/2515

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company FINAM (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces

### the Open Tender for Privatization Sale of the 25.6 % Share Package of the State Joint Stock Company “Tashkent Aircraft Production Corporation” (SJSC “TAPC”)

1 344 358 (one million three hundred forty four thousand three hundred fifty eight) shares of common stock of the SJSC “TAPC” constituting the aggregate of 25.6% of the Company's total issued shares being offered for sale, Starting bidding price for the said package of shares is not less than 120 795 800 (one hundred million seven hundred ninety five thousand eight hundred) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 25.6% of shares of the SJSC “TAPC” and to take upon investment obligations.

SJSC “TAPC” is specialized on production of wide-fuselage transport aircrafts (IL-76 and its modifications), passenger aircraft for local and middle airlines (IL-114 and its modifications), producing inspective repair of IL-76 and AN-12 aircrafts, producing spare parts for them, producing other types of industrial technical oriented production and consumer goods.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of December 10, 2004.

The Bid Submission Deadline is January10, 2005.

For all issues related to the tender, please contact:

*The Work Body of the State Property Committee:*

*CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau*
*State Property Committee Bldg., 17th Floor*
*Uzbekistanskaya str. 55*
*700003 Tashkent, Uzbekistan*

*Attention: Mr. Ulugbek Vahabov, Director General*
*Telephone: +998 (71) 139 22 51*
*Fax: +998 (71) 139 22 79*
*Email: ccpbuz@tps.uz*

*Financial Adviser:*

*Investment company “FINAM”*
*101000, Russian Federation,*
*Moscow, Myasnickaya str. 26*

*Attention: Mr. Nikolay A. Fominsev*
*Head of strategy and business development division*
*Telephone: + 7 (095) 204 81 40*
*Fax: + 7 (095) 204 81 07*
*Email: fomitsev@finam.ru, fominick@freemail.ru*

10070-2R/2515

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, “ФИНАМ” (Россия) инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

### “ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 47% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

“ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 47%ини ташкил этувчи 48 322 058 (қирқ саккиз миллион уч юз йигирма икки минг эллик саккиз) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акцияси сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 35 152 936 (ўттиз беш миллион бир юз эллик икки минг тўққиз юз ўттиз олти) АҚШ доллари. “ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ОАЖнинг 47% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

“ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ОАЖнинг асосий вазифалари — аҳолининг темир йўл ташишларига бўлган талабини қондириш, сервис инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчиларга йўл давомида ва вокзалларда сервис хизматлари кўрсатиш, ушбу хизматлар тармоғини кенгайтириш ва акциядорлар манфаатларини кўзлаб даромад келтириш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа турдаги тижорат фаолиятларини амалга оширишдир. Ҳозирги кунда корхона ҳар йили 16 миллионга яқин йўловчиларни ташиб, йўловчи айланмасини 2,1 млрд. йўлов./км. хажмда бажаради. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари ва вилоят марказларида 23 та ривожланган ва катта вокзалга эга. Шунингдек, унинг тасарруфида турли хил йўловчи объектлари ва темир йўл станциялари қаторида жойлашган бекат хўжаликлари мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда қатнашиш бўйича аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 10 декабрда тугайди.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2005 йил 10 январда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

*Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*

*Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 700003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.*
*Улуғбек Каримович Вахабов,*
*бош директор.*

*Телефон: +998 (71) 139-22-51.*
*Факс: +998 (71) 139-22-79.*
*Эл. почта: ccpbuz@tps.uz*

*Молиявий маслаҳатчи:*

*“ФИНАМ” инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва, 103045, Даев тор кўчаси, 20, “Даев-Плаза”, Бизнес маркази, офис 2.16.*
*Максим Евгениевич Кузин,*
*бош директор биринчи ўринбосари.*

*Телефонлар: + 7 (095) 204-83-78, 204-81-40.*
*Факс: + 7 (095) 204-81-07.*
*Эл. почта: mxk@finam.ru, mxk@freemail.ru*

10071-1R/2515

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company FINAM (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces

### the Open Tender for Privatization Sale of the 47% Share Package of the Joint Stock Company “UZTEMIRYULYULOVCHI”

48 322 058 (forty eight million three hundred twenty two thousand fifty eight) shares of common stock of the JSC "UZTEMIRYULYULOVCHI" constituting the aggregate of 47% of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 35 152 936 (thirty five million one hundred fifty two thousand nine hundred thirty six) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 47% of shares of the JSC "UZTEMIRYULYULOVCHI" and to take upon investment obligations.

The main activities of JSC "UZTEMIRYULYULOVCHI" are to render railway transportation services to population, todevelop the services' infrastructure and provide topassengers services which are necessary during transit and at railway stations, to expand these services and to earn incomes for the shareholders, to implement other commercial activities not contradicting with the current legislation. Currently the enterprise conveys up to 16 mln. passengers annually and performs the passenger-turnover in the volume of 2.1 bln. pass/km. The enterprise has 23 well-developed and powerful railway stations in all regional centers and large cities, as well as different units of passenger and station facilities located on a number of railway stations. Investors interested in participating in the tender shall first submit a properlycompleted and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of December 10, 2004.

The Bid Submission Deadline is January10, 2005.

For all issues related tothe tender, please contact:

*The Work Body of the State Property Committee:*

*CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau*
*State Property Committee Bldg., 17th Floor*
*Uzbekistanskaya str. 55*
*700003 Tashkent, Uzbekistan*

*Attention: Mr. Ulugbek Vahabov, Director General*
*Telephone: +998 (71) 139 22 51*
*Fax: +998 (71) 139 22 79*
*Email: ccpbuz@tps.uz*

*Financial Adviser:*

*Investment company “FINAM”*
*20 Dayev side str., Business center*
*“Dayev Plaza”, office #2.16, 103045*
*Moscow, Russian Federation,*

*Attention: Mr. Maxim E. Kuzin, First Deputy Director General*
*Telephone: + 7 (095) 204 83 78*
*Fax: + 7 (095) 204 81 07*
*Email: mxk@finam.ru, mxk@freemail.ru*

10071-2R/2515

*Бугун — ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами*

**Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар идораларида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги ҳамда «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари фуқароларимиз учун кенг қулайликлар яратди.**



# Сиз борсиз, Ватанда қўрғонлар омон

Чунки ушбу қарорлар ижроси туфайли профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари, фуқаролар йиғини раиси ва унинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва яраштириш комиссиялари, шунингдек, ички ишлар идораларининг барча тармоқ хизматлари ходимлари ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишлари учун имкон яратилди. Маҳаллаларда ҳам милиция таянч пунктлари ташкил этилди.

Милиция таянч пунктларининг янгича иш фаолияти жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи барча кучларни бирлаштиш имкониятини туғдириш билан бирга аҳоли учун ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги барча муаммоларни жойида ҳал қилиш учун шароит яратди. Бу ишларда маҳалла орасида хизмат қилувчи ва ҳудуд аҳолисининг қувончига ҳам, ғамташвишига ҳам бевосита шерик бўладиган профилактика инспекторлари бошқош бўлмоқда. Негаки, бу соҳа инспекторлари замон талабига жавоб берадиган мутахассислардир.

Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси жорий этилган эди. Ушбу тузилмани ташкил этишдан асосий мақсад одамларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқаруви тизимидаги айрим ваколатларини бажаришга кенг йўл очиш, осойишталикни таъминлашдан иборат. Шунингдек, айни вақтда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда давлат идоралари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб бориши муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирда маҳалла посбонлари ўзлари яшаётган ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг энг яқин кўмакчиси ҳисобланади.

Соҳадаги янгиланишлар ва сифат ўзгаришлари натижаси ўлароқ, Ички ишлар вазирлигининг ўқув юртларига кириш иштиёқидаги ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фахрли касб эгаси бўлишни истовчилар учун эса барча имкониятлар мавжуд. ИИВнинг академияси, Олий ҳарбий билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби каби нуфузли илм даргоҳларини ҳамма билади. Бироқ яқинда ташкил этилган сержантлар тайёрлаш олий курси ҳақида эса кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак. ИИВ академиясида ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда ўқиш жараёнлари бошланди. Олий маълумотга эга аксарият курсантлар келгусида патруль-пост хизмати, қўриқлаш, жазони ижро этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби бир қанча хизматларда фаолият кўрсатишади.

Кенг жамоатчилик бугунги кунда юрт тинчлигини таъминлаш, ҳаётимизга жиддий хавф туғдирадиган терроризм, гиёҳвандлик ва бошқа хил жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар ходимларини ўзларига таянч, деб билишмоқда. Зеро, эл ишончидан-да юксакроқ баҳо ва юрт тинчлигини сақлашдан-да муқаддас иш бўлмаса керак.

**Исмоил МИНАВАРОВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими.**

# Қадамжоси кўпдир бу юртнинг

**Самарқанд заминига қадам қўйган киши борки, бу маскандаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишни кўнглига тугади. Шунингдек, кўҳна шаҳарга ташриф буюраётган ҳар бир хорижлик меҳмон ҳам, энг аввало, тарихий жойларни томоша қилади. Аждодларимизнинг меъморчилик, наққошлик бобидаги маҳоратларига ўзгача ҳайрат ва ҳавас билан қарайди. Ва қайтар чоғида бу заминга нисбатан бежиз «Ер юзининг сайқали» ибораси ишлатилмаслигига амин бўлади. Демак, бундай қадамжоларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.**

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мўътабар зиёратгоҳларга бўлган юксак ҳурматнинг яна бир ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Айни пайтда Самарқанддаги энг гавжум зиёратгоҳлардан бири — Шоҳи Зинда ансамблида катта таъмирлаш, ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

*Қарор ва ижро*



Мамлакатимиздаги энг донгдор меъморлар меҳнат қилаётган зиёратгоҳга қадам қўйилишиданоқ кўзга ташланадиган қўш гумбазли мақбара атрофини катта қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Мақбара ташқи томондан миллий услубдаги баланд девор билан ўралаяпти. Усталарнинг, ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бетон қоришмаси келтираётган ким-у, ғишт тераётган ким. Мақбара ичида эса меъморлардан бири неча асрдан буён таъмирга муҳтож бўлиб қолган кошинларни эҳтиётлик билан кўчирмоқда.

Усталар билан суҳбатлашамиз.

— Қорақалпоғистондан келганмиз, — дейишади улар. — Шоҳи Зиндадек улуғ зот ётган масканни қайта таъмирлашдек қутлуғ иш насиб этганидан бениҳоя шодмиз. Зиммамиздаги масъулият нечоғли юксак эканлигини яхши англаймиз. Негаки, ҳар бир кошин, ишлатиладиган бўёғу безаклар асл ҳолида бўлиши керак. Шу сабабли ҳам, бутун маҳорату тажрибамизни ишга солаяпмиз.

Зиёратгоҳнинг шимолий қисмидаги Хожа Аҳмад мақбараси ўн тўртинчи асрда қурилган. У бу ердаги мақбаралар орасида кошин санъатининг ўзига хос намуналарини ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради. Ўртароқдаги Уста Али мадрасаси ҳам ўн тўртинчи асрда бунёд этилган. Геометрик шаклда қурилган бу мадраса ўрта қисм бинолари орасида энг жозибалисидир. Мазкур мақбара ва мадрасанинг таъмирлаш ишларини Қарши шаҳридан келган меъморлар амалга оширишаяпти.

Ширинбека Оқо мақбарасига кирамиз. Унинг деворидаги кўрсаткичда битилган ушбу ёзувларни ўқиймиз: "XIV аср охирида Темур синглиси Ширинбека Оқо учун қурдирган". Пештоқ равоқи ичидаги ёзувда унинг вафот этган йили ҳижрий 787, мелодий 1385 йил кўрсатилган.

Бу мақбара рўпарасида Шодимулк Оқо мақбараси ҳам қад ростлаган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мақбара 1372 йилда Амир Темурнинг опаси Туркон Оқо ва унинг қизи Шодимулк Оқога ёдгорлик сифатида қурилган. Қарангки, XIV аср ёдгорлиги ҳамон ўзининг асл гўзаллигини сақлаб қолган.

Қайта таъмирлаш ишларида Германия Федератив Республикаси молиявий ва техник жиҳатдан кўмак бераяпти. Бундан англаш мумкинки, Шоҳи Зинда фақат мамлакатимиздагина эмас, ҳатто Европада ҳам юксак аҳамиятга молик тарихий ёдгорликдир.

Зиёратгоҳда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини сақлаш ва уларни таъмирлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан олиб борилаяпти. 160 дан ортиқ уста ва ишчилар жалб этилган таъмирлаш жараёнида шу йилнинг охиригача ажратилган пулнинг 300 миллион сўми ўзлаштирилади. Асосий ишлар 2005 йилда бажарилиши режалаштирилаяпти.

Бугун Шоҳи Зинда қадамжосида таъмирлаш ишлари қизғин бораётган бўлса-да, зиёратчиларнинг қадами узилгани йўқ. Улар орасида республикамизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонларни, хорижлик сайёҳларни учратасиз. Қайси бир зиёратчи билан суҳбатлашмайлик, улар мамлакатимизда қадимий ёдгорликларга, асрлардан сўзловчи осори-атиқаларни сақлашга юксак даражада эътибор қаратилаётганини айтишади.

Бундай самимий эътироф эса, ҳар бир юртдошимизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

# «Оқ йўл!»

## ҳар бир йўл-патруль хизматчисининг истаги шундай

*Эътироф*

Қаҳратон қишнинг қиличдай кескир совуқ туну кунларида, ёзнинг иссиқ онларида ҳам транспорт воситалари ҳаракатини бошқариб, йўлларда турли бахтсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун меҳнат қиладиган инспекторлар ҳақида фикр юритганимизда, албатта, уларнинг касблари машаққатли эканлигини ҳис қиламиз.

Ана шундай заҳматли касбни танлаб, эл-юрт учун хизмат қилаётганлар бошқалар қатори Президентимизнинг Фармонига кўра, орден ва медаллар билан тақдирланганлари замирида катта ишонч мужассам. Масалан, шу йил Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси 2-отряди катта инспектори, майор Баҳодир Муротов "Дўстлик"ордени, 1-отряд инспектори, старшина Карим Худойберганов эса "Жасорат" медали билан мукофотлангани ҳам фахрли, ҳам масъулиятлидир.

Жорий йилнинг 25 октябри. Соат 13.30 ларда Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Ширин кўчаси, 50-уй қаршисида Тошкент юридик коллежининг 2-курс талабаси Тимур А. деган шахс ҳеч қандай ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машина бошқариб, бир йўловчини уриб кетади. Воқеа жойига етиб келган йўл-патруль хизмати ходимлари тезкор тадбир кўриб, автофалокат сабабчисини излай бошлашди ва кўп вақт ўтмай уни топишди. Агар инспекторлар жабрланувчи пиёдага ўз вақтида ёрдам кўрсатишмаганда ва айбдорни излаб топишмаганда, оқибати кўнгилсиз тугаши аён эди.

Яна бир воқеа. 2004 йилнинг 30 марти. Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ 1-отряди инспектори, старшина Ваҳобжон Нуриддинов "Қорамурт" ЙПХ масканида навбатчиликда эди. Кутилмаганда рациядан Чирчиқ томондан шубҳали шахслар тушган енгил автомашина Тошкентга қараб ҳаракатланаётганлиги, уларни тўхтатиш ва қўлга олиш зарурлиги ҳақида хабар келиб қолди. Ваҳобжон ҳеч иккиланмасдан катта йўл бўйига чиқди ва машинани кута бошлади. Узоқдан русуми ва белгиси, ранги айтилган машина кўринди. Инспектор унга тўхташ ишорасини қилди. Аммо машина нарироққа ўтиб тўхтади. Инспектор югуриб келди-да, машина ичида ўтирганларнинг ҳужжатини кўрмоқчи бўлди. Ана шу лаҳзада ҳеч кутилмаган ҳолат юз берди – орқа салондан тушган террорчи белига боғлаб олган портлатгич тугмасини босиб юборди. Даҳшатли портлаш пайтида Ваҳобжон Нуриддинов ҳалок бўлди. Ҳамкасбларидан яна икки киши жароҳатланди.

Ваҳобжон жуда ёш эди. У шу куни хизматга кетиш олдидан ота-онаси яшаётган Намданак қишлоғида бўлиб, қариялар билан ҳол-аҳвол сўрашганди. Отаси Жуман ака, онаси Салима ая кенжа фарзанд доғида адо бўлганларича қолишди. Ваҳобжон Нуриддинов ҳам минглаб тенгқурлари қатори яшашга ҳақли эди, аммо...

Ватаннинг содиқ ўғлони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Бу соҳада хизмат бурчига садоқат тушунчаси касбга садоқат ва фидойиликни англатади. Тўғрироғи, ўзга касблар қатори йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ишлаш осон эмас. Бу хизматга ўз умри, куч-қувватини бахшида этган кишилар ҳаёти бошқалар учун фидойилик тимсолидир.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи.**

*Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан «Сурхон Ажанта ЛТД» қўшма корхонаси менежери, Ҳиндистон фуқароси Сриниваса Сундра Ражан номига берилган 2003 йил 4 феврадан 2003 йил 4 августгача меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи 085 СурВ-рақамли тасдиқнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*


*Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!*
*Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки*
*Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!*

«Асака» банкининг пластик карточкаси – бу:



- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 2% даромад тўлаш.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, «Асака» банки муддатли омонатларни миллий ва хорижий валютада таклиф этади:

Миллий валютадаги омонатлар

| | |
|---|---|
| 6 ойдан 1 йилгача | 30% йиллик |
| 1 йилдан 3 йилгача | 28% йиллик |
| 3 йилдан 5 йилгача | 30% йиллик |
| "Орзу" (камида 3 ой) | 30% йиллик |
| "Наврўз" (2 ойга) | 36% йиллик |
| "Ниҳол" (3 ойга) | 38% йиллик |
| "Мадад" (1 йилга) | 36% йиллик |
| "Тақдим этувчига" (камида 3 ой) | 35% йиллик |
| "Умид" (камида 3 ой) | 30% йиллик |
| "Табассум" (45 кунга) | 36% йиллик |

Хорижий валютадаги омонатлар

| | |
|---|---|
| 1 йилгача | 3% йиллик |
| 1 йилдан юқори | |
| 1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача | 4% йиллик |
| 5000 АҚШ долл. дан юқори | 4,5% йиллик |

Маълумот учун телефонлар:
120-83-14, 120-39-18, 144-56-55,
125-50-26, 120-84-07



Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит кутичаларини ижарага беради, депозит кутича нархи унинг ҳажмидан келиб чиқади.

*«Асака» банкининг пластик карточкалари – бу жуда қулай, ишончли ва самаралидир!*

100738/2296



ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



Товар сертификатланган

"ТЕХЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган АВТОМОБИЛЛАР ва КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК техникаларининг гилдиракларини таклиф қилади.



Пул ўтказиш йўли билан галла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади



Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26
Тел./факс 77 1451, тел. 79 9468
103 7234, 333 6421

9909Н/1824


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Тошкент давлат техника университети ректори, профессор Қ. Р. Аллаевга акаси
**Жуманазар РАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси республика кўз касалликлари шифохонаси бош врачи Клара Валиевага турмуш ўртоғи
**Умид ВАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Автогаз» акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раиси Рустам Азимовга акаси
**Шуҳрат ҲУСАНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси халқаро алоқалар бўлими катта назоратчиси Эльвира Берберовага отаси
**Абдулла БЕРБЕРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси институтнинг «Аэрогазодинамика» кафедраси доценти Б. А. Валиевга акаси
**Умид ВАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари халқаро журналистика факультетининг «Оммавий ахборот воситалари тили, услуби ва адабиёти» кафедраси мудири Венера Қаюмовага отаси
**Фаворис ҚАЮМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5